

Кулдашев Шерзод Алимардонович,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
тадқиқотчиси

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

УДК: 028:372.41

КУЛДАШЕВ Ш.А. ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Ушбу мақолада таълим хизматларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари, таълим хизматлари категориясининг моҳияти, олий таълим тизими бўйича таълим хизматлари бозори иштирокчиларининг ўзаро муносабати ва таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг аҳамияти ҳамда олий таълим тизимида рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши тадқиқ қилинган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим хизматлари, таълим хизматлари бозори, олий таълим тизими, рақобатбардошлик.

КУЛДАШЕВ Ш.А. ЗНАЧЕНИЕ И ПРИНЦИПЫ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ НА РЫНКЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ

В данной статье рассматривается специфика и особенности образовательных услуг, сущность категории образовательных услуг, Изучено взаимодействие участников рынка образовательных услуг в системе высшего образования и значение повышения конкурентоспособности образовательных учреждений и формирования конкурентной среды в системе высшего образования.

Ключевые слова и понятия: образовательные услуги, рынок образовательных услуг, система высшего образования, конкурентоспособность.

KULDASHEV SH.A. IMPORTANCE AND PRINCIPLES OF INCREASING THE COMPETITIVENESS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN THE MARKET OF EDUCATIONAL SERVICES

In this article, educational services, interaction of participants of the market of educational services on the system of higher education and the importance of increasing the competitiveness of educational institutions has been studied.

Key words and concepts: educational services, educational services market, higher education system, competitiveness.

Кириш.

Бугунги кунда олий таълим тизими ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бир томондан, ушбу тизимни бошқаришнинг халқаро тажрибада кенг қўламда қўлланилаётган усулларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, таълим хизматлари бозорининг конъюнктураси ўзгариши ҳамда олий таълим муассасаларининг малакали юқори илмий салоҳиятга эга кадрлар таъминотига зарур бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамиятни қайта қуриш ва келгусида барқарор ривожлантириш имконини берувчи олий таълим тизимини яратишни зарурат этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида инсонни ривожлантиришнинг асосий мақсади – жамият интеллектуал салоҳиятини, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, барқарор ривожланиш имкониятини берадиган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик муҳитни шакллантириш зарур бўлмоқда.

Инсон тараққиёти концепциясида таълим асосий таркибий қисм бўлиб, жамиятнинг муҳим масалаларини ҳал этишда асосий ўринни эгаллайди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида илм-фан ва таълимни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик ривожланишнинг муҳим омили ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган.

Таълим хизматлари бозори бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг истеъмом бозоридаги мураккаб бўлган ўзаро боғланган барча элементларидан ташкил топган. Мазкур тизимни бош генератори бўлиб, шубҳасиз, меҳнат бозорида ўзига хос товар сифатида чиқувчи малакали профессионал кадрлар тайёрлашдаги жамиятнинг эҳтиёжи ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг аҳамияти ва тамойилларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мавзу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили.

Инсон ривожланиши концепциясида таълим асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланиб, жамиятнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳам у асосий ўрин эгаллайди. Инсоният цивилизациясида таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган. Товар бозорлари таснифидан келиб чиққан ҳолда таълим хизматлари бозори ўз навбатида товар бозорининг бир тури сифатида маънавий ишлаб чиқарилган товарлар бозорининг таркибий қисми ҳисобланади. Товар бозорининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу бозор иқтисодий алоқалар тизимини ўзидан намоён этади.

МДХ давлатлари олимларидан бири Ю.А.Шевченконинг асарида таълим хизматлари бозорининг шаклланиши, олий таълим муассасаларида нархнинг шаклланиши ва унинг маркетинг стратегияси, таълим хизматларига нарх белгилашнинг умумий алгоритми, пуллик таълим хизматлари баҳосини аниқлашда харажатлар усули, олий таълим муассасаларини молиялаштириш, таълим хизматларига нарх белгилаш босқичлари, давлат олий таълим муассасаларида нарх белгилаш сиёсатининг мақсадлари каби масалалар тадқиқ қилинган¹.

Шунингдек, В.С.Баженованинг асарида таълим хизматлари бозорининг шаклланиши, таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, таълим хизматларига талаб ва таклиф мувофиқлиги, битирувчиларни ишга жойлаштиришни тартибга солиш, иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида узлуксиз таълимни амалга ошириш сиёсатининг асосий йўналишлари, битирувчиларни ишга жойлаштиришни тартибга солиш механизмлари, олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни диверсификациялаш жараёни, таълим хизмат-

¹ Шевченко Ю.А. Маркетинговые стратегии ценообразования в вузе // Практический маркетинг. 2002. № 10 (68). С. 25-32.

лари бозорида рақобатни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилган¹.

М.А.Лукашенко асарида таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг ўрни, таълим хизматлари бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари, олий таълим муассасаларини бошқариш тизими, таълим хизматларида талаб ва таклифнинг шаклланиши, меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозорининг ўзаро боғлиқлиги, битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёни, олий таълимни ривожлантириш сиёсатининг мақсад ва вазифалари, таълим хизматлари бозорида рақобатни шаклланишига доир масалалар тадқиқ қилинган².

Россиялик тадқиқотчи Л.В.Захарованинг тадқиқот ишида таълим хизматлари бозорининг ривожланиш хусусиятлари, таълим хизматлари ва мутахассислар меҳнат бозорининг ўзаро боғлиқлиги, таълим хизматлари тушунчасининг моҳияти, мазмуни ва таснифи, таълим хизматлари бозорида рақобатни шаклланиши, таълим хизматларига талаб ва таклифнинг шаклланиши, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, таълим хизматлари бозорининг стратегик ривожланиши ва маркетинг тадқиқотлари масалалари ўрганилган³.

Ватандош олималаримиздан Г.Ахунованинг асари Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари тадқиқ қилинган бўлиб, унда таълим хизматлари бозорининг ривожланиш хусусиятлари, таълим хизматлари тушунчасининг моҳияти ва мазмуни, таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорининг шаклланиш хусусиятлари, таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, олий таълим муассасаларининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, мамлакатимизда таълим хизматлари ва мутахассислар меҳнат

бозорида менежмент ва маркетинг масалалари ёритиб берилган⁴.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар.

Тадқиқот жараёнда таълим хизматлари бозорининг ривожланиш механизмини такомиллаштириш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик даражаси баҳоланди.

Мақоланинг мақсади. Иқтисодиётнинг трансформациялашиши шароитида таълим хизматлари бозори иштирокчилари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, улар ўртасида муносабатларни шакллантириш ҳамда олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган жамиятда таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда таълим хизматлари инсоннинг жамиятдаги ўрнини аниқлаб, унинг интеллектуал салоҳиятга эга аъзоси сифатида шакллантиради.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамиятни қайта қуриш ва келгусида барқарор ривожлантириш имконини берувчи олий таълим тизимини яратишни зарурат этмоқда. Республикамиз таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижаси сифатида таълимнинг кутилаётган давомийлиги муддати мустақилликнинг дастлабки йилларида 13,7 йилни ташкил этган ҳолда, мазкур кўрсаткич 2020 йилга келиб 21 йилга узайтирилди.

Таълим хизматлари инсоннинг жамиятдаги ўрнини аниқлаб, унинг интеллектуал

¹ Баженова В.С. Непрерывное образование в условиях трансформации экономической системы. – М.: Изд. Рос. экон. акад, 2000. – 216 с.

² Лукашенко М.А. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: актуальные проблемы управления. – М.: Изд. Маркет ДС, 2003. – 358 с.

³ Захарова Л.В. Формирование и развитие образовательных услуг: автореф. дисс. канд. экон. наук / Белград. 2002. – 235 с.

⁴ Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодий университет. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005. – 244 б.

салоҳиятга эга аъзоси сифатида шакллантиради.

Таълим хизматлари ижтимоий манфаатлар сифатида ички ва ташқи самарага эга бўлиш тавсифига эга. Таълим хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ички самараси шундан иборатки, касб, мутахассислик бўйича таълим салоҳиятини оширувчи ҳар бир инсон бошқаси билан таққослаганда юқори даромад олиши таълимдан индивидуал қайтимни ошириш имкониятини беради. Ташқи самара эса макроиқтисодий қарорларни қабул қилиш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларида намоён бўлади.

Бошқа томондан, таълим хизматлари – ишчи кучини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳамда ходимнинг касб ёки малака олишга, қайта малакадан ўтишга, ишлаб чиқариш талабини қондиришга йўналтирилган ўқув муассасасининг ўқув, бошқарув ва молиявий натижасидир¹.

Ҳозирги вақтда нафақат алоҳида бир киши балки, бутун мамлакат тақдири ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шу мамлакат аҳолисини таълим даражасига боғлиқ эканлиги кундай равшан бўлмоқда.

Ривожланган давлатларда миллий даромад ўсишининг 60 %и жамиятда таълим ва билимнинг ўсиши билан белгиланади. Иқтисодий жиҳатдан олганда, таълимга йўналтирилган инвестициялар ўзини жуда қисқа муддатларда оқлайди ва экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, таълим тизимидаги 1 долларлик харажат 3-6 доллар даромадни таъминлайди. Ундан ташқари, баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, таълимга харажатларнинг 1 % га ўсиши мамлакат ЯИМнинг 0,35% га ўсишигаёки ривожланган давлатларда таълим олиш давомийлигининг 1 йилга ошиши ЯИМнинг 5-15 %га ошишига олиб келиши маълум булган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун аҳолининг 40-50 фоизи олий маълумотга эга бўлиши керак,

билимлар иқтисодиётида эса, олий маълумотлиларнинг ҳиссаси 60 фоизгага етади².

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Қонунининг 5-моддасида келтирилганидек: Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади³. Бунда, мамлакатимизда таълим олишга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати доирасида қаралиши, унинг республика-миз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим ижтимоий вазифаси сифатида назарда тутилишининг исботи ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодчи олимлар томонидан келтирилган таърифларда таълим хизматларининг бозор моҳиятини аниқлаш учун унинг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари, хусусан, бошқа ижтимоий манфаатлар сингари ички ва ташқи самара хусусиятлари ҳамда унинг номоддий бойликка, номоддий неъматларга тегишли ижтимоий аҳамиятга эга товар эканлиги, таълим хизматлари турли ижрочилар томонидан амалга оширилиши ҳисобга олинмаган.

Бизнинг фикримизча, таълим хизматларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим хизматларини пул кўринишидаги қийматини бевосита ўлчашнинг имконини мавжуд эмаслиги, кўп ҳолларда ушбу кўринишдаги хизматларни яратишга харажатларни аниқлашнинг имкони йўқ.

2. Таълим хизматларини ишлаб чиқарувчи субъектлар олдида қўйган мақсадларининг кенг қўламлиги ва уларни юқори даражада кенгайиб бориши. Кўпчилик таълим муассалари олдида потенциал истеъмолчи талабини қондириш учун улар томонидан бажарилиши керак бўлган кўп миқдордаги вазифалар қўйилади ва ҳар доим ҳам улар қонунчиликда аниқ кўрсатилмайди. Жаҳонда таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлар уларга қўйилаётган талаблар ва вазифаларни доимий ўсишига олиб келмоқда.

² Высшее образование сегодня. 2008. № 8. Издательская группа «Логос», 2008. - С. 5.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. - <https://lex.uz/docs/5013007>

¹ Сонь Т.А. Формирование рынка образовательных услуг / www.marketing/spb.ru

3. Таълим маънавий қадриятларни яратади ҳамда таълим хизматларини кўрсатишнинг комплекс тавсифга эгаллиги таълимни олаётганларнинг шахси сифатида намоён бўлиши, тарбияланиши ва ижтимоий ривожланишига қодирлигини пайдо қилади.

4. Таълим хизматларини бериш жараёнида ўқитувчилар ва тингловчилар бир бири билан ўзаро муносабатда бўлишади. Бунда таълим хизматларини кўрсатиш жараёнида мутахассиснинг билими ва фаол бўлишига талаб ошади ҳамда мижозни шахси тубдан ўзгаради.

5. Таълим хизматларини кўрсатиш ва унинг натижалари учун жамият ва давлат назорати амалга оширилади. Бу таълим соҳасида қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш бўйича ислохотлар доирасида юзага келадиган масъулиятни оширади.

6. Таълим хизматларининг натижаларини аниқлаш ва бир вақтда баҳолаш имконинг мавжуд эмаслиги. Бунда таълим хизматларини кўрсатиш самарали натижа сифатида узоқ вақтдан кейин содир бўлиши мумкин ҳамда уни билвосита кўрсаткичлар асосида баҳолаш мумкин.

7. Таълим хизматлари бозорида олди-сотди жараёнини мураккаблиги.

8. Таълим хизматларини кўрсатишнинг узоқ муддат давом этиши. Таълим хизматларини кўрсатиш давомли узоқ даврни ўзида ифода этади.

Юқорида келтирилган илмий ёндашувлар ва таълим хизматлари бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда, биз, таълим хизматларига қуйидаги таърифни таклиф этамиз: таълим хизматлари – бу белгиланган тартибда таълим ва малака тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган муайян компетенция, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш натижаси ҳисобланган таълим фаолиятини амалга ошириш жараёнида таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматдир.

Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-назарий, услубий ва амалий жиҳатларига эътиборимизни қаратамиз.

Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари фаолиятининг хусусият-

лари улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан аниқланади:

– тақдим этилаётган хизматларнинг табиати;

– рақобатбардошликни шакллантиришда ўзига хос омиллар таъсирининг таркиби ва хусусиятлари;

– таълим фаолияти натижаларидан манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатлари.

Олий таълим муассаса (ОТМ)ларининг таълим хизматларини кўрсатишдаги хусусиятли жиҳатлари қуйидагилардан иборат¹:

– таълим хизматлари номоддий хусусиятга эга ва жамғарилмади, лекин интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга йўналтирилган уларнинг натижалари жамғарилади ва умумлаштирилади;

– тайёрлашнинг меъёрий муддатини аниқловчи узоқ вақт давомида таълим хизматлари кўрсатилади;

– олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари истеъмолчиси муайян даражада таянч маълумотга эга бўлиши зарур;

– таълим хизматлари воситачиларсиз бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади;

– хизматлар кўрсатиш натижаларига давлатнинг юқори даражада манфаатдорлиги, шунинг учун таълим хизматлари жамият тараққиёти ва унинг интеллектуал салоҳияти шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Умумий ва олий таълим тизимининг юқори даражадаги ижтимоий аҳамияти таълим муассасалари фаолиятни ташкил этишга жиддий талабларни қўяди: таълим жараёнида иштирок этиш шартлари ва унинг самарадорлигини баҳолашга қўйиладиган талабларни белгилайди, шунингдек кенг доирадаги манфаатдор шахслар, ижтимоий институтлари ва ташкилотлари манфаатларини ҳисобга олиш заруратини аниқлайди.

Таълим хизматлари бозорининг турли хил иштирокчиларининг манфаатларидан келиб чиқиб, муносабатларнинг характери ва ўзига хослиги ушбу бозорда олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини шаклланишига таъсир кўрсатади. Биринчи навбатда келтирилган хусусиятлар жамият ва таъ-

¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лим хизматлари буюртмачиларининг талабини қондириш контекстида содир бўлади. Мазкур бозорнинг турли хил иштирокчилари томонидан кўзланган мақсадлар ташкилотга муайян хулқ-атвор моделини белгилайдиган чекловлар тизимини қўяди. Сўнгра у рақобатбардошликни шакллантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратади, бу эса таълим хизматлари бозорида ҳаракатлар стратегиясини аниқлаш имконини беради.

ОТМларининг таълим хизматлари бозоридаги иштирокни тадқиқ этамиз.

Авваламбор, буюртмачиларни қараймиз. Республикамиз таълим тизимида таълим хизматларининг асосий буюртмачи давлат бўлиб, у тегишли давлатнинг ижро этувчи ҳокимият органлари орқали муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ва таълим даражалари бўйича мутахассисларни тайёрлаш буюртмасини шакллантиради ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган норматив шаклида бюджетдан молиялаштиришни амалга оширади.

Иқтисодиёт назариясида келтирилган терминологик аппаратдан фойдаланган ҳолда буюртмачиларнинг кейинги тоифасини пуллик таълим хизматларни кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш орқали мутахассислар тайёрлашга талабини шакллантириш объекти бўлиб, «уй хўжаликлари» ҳисобланади.

Бозорнинг аҳамиятли бўлмаган улушини тўғридан-тўғри шартномалар асосида муайян категориядаги мутахассисларни ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш бўйича талабни шакллантирувчи бизнес тузилмалари ташкил этади. Бу вақтда буюртмачилар битирувчиларнинг асосий истеъмолчилари сифатида уларга сўнгги касбий компетенциялар ва малака даражаларига нисбатан юқори талабни қўядилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ялпи миллий маҳсулот таркибида хусусий секторнинг улуши ва молиялаштириш нисбатидаги номувофиқлик давлат ва тадбиркорлик муносабатлари тизимида миллий иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида мавжуд номутаносибликни юзага келтиради. Давлат ижтимоий функцияларни бажара туриб, битирувчиларни молиялаштиради, уларнинг 70,0%дан ортиғи хусусий корхоналар ва ташкилотларда ишлайди.

1-жадвалда олий таълим тизими бўйича таълим хизматлари бозори иштирокчиларининг ўзаро муносабати келтирилган.

ОТМларининг рақобатбардошлигини шаклланишига таълим хизматлари бозори иштирокчиларининг таъсирини кўриб чиқамиз:

1. Миллий олий таълим тизимининг рақобатбардошлиги, мутахассисларни тайёрлаш тузилмаси ва ҳажмининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мувофиқлиги ҳамда уларнинг малакасини давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш бутун мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиши ва рақобатбардошлигининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлат мезонлар ва кўрсаткичлар тўплами орқали таълим тизими ва олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаб, махсус усуллар воситасида уни тартибга солади ва шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги шаклланишига таъсир кўрсатади.

Лицензиялаш талабларига ва аккредитация мезонларига жавоб бермайдиган ОТМ юқори сифатли таълим хизматларини кўрсата олмайди ва таълим фаолиятини амалга ошира олмайди ҳамда унинг рақобатбардошлиги юқори бўлмайди. Бу, биринчидан, олий таълим тизимининг юксак ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ОТМларининг аксарияти давлат ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқарув шакли билан боғлиқ бўлиб, уларни тижорат муассасаси сифатида фаолият юритишга йўл қўймайди. Бу эса олий таълим муассасалари томонидан фойдани ошириш имкониятини чегаралайди.

1-расмда келтирилган ўзаро муносабатларни амалга ошириш воситаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ОТМларининг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлигининг асосий омиллари мутахассислар ва моддий ресурсларни тайёрлаш бўйича ҳукуматнинг буйруғи; самардорлик даражаси таълим муассасасининг рақобатбардошлигини белгиловчи омилга айланади.

Бозорда рақобат курашининг тавсифи (шу жумладан, таълим хизматлар) турли хил кўринишдаги ресурслар учун мавжуд ҳолатни назарда тутди ва имижни ошириш воситаларини фаол қўллашга шароит яратади. Энг яхши

1-жадвал. Олий таълим тизимида таълим хизматлари бозори иштирокчиларининг ўзаро муносабати¹

| Таълим жараёни иштирокчилари | Талаблар (мақсадлар, эҳтиёжлар) | Мезонлар | Ўзаро таъсир этиш воситалари |
|------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Таълим жараёни иштирокчилари | Миллий олий таълим тизими рақобатбардошлиги. | Давлат университетлари-нинг халқаро рейтингдаги ўрни. Таълим тизимининг халқаро даражадаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш имконияти. | Таълим соҳасида давлат сиёсати, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, олий таълим муассасалари ривожланишининг инновацион дастурларини давлат томонидан молиялаштириш. |
| Давлат | Иқтисодиёт талаб-ларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш. | Иқтисодиёт тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлаш. | 1-курсга қабулнинг назорат кўрсаткичи. |
| Уй хўжаликлари | Давлат таълим стандартлари талабларига мос кадрларни тайёрлаш даражаси. | Давлат аккредитациясидан мувафақиятли ўтган таълим муассасаларининг ҳиссаси | Давлат таълим стандартларининг лицензиялаш талаблари. Таълим фаолиятини лицензиялаш ва аккредитациялашни меъърий-ҳуқуқий тартибга солиш |
| Бизнес тузилмалари | Давлат таълим стандартлари талабларига мос кадрларни тайёрлаш сифати. Танланган касблар доирасида касбий реализация қилиш имконияти | Олий таълим муассасаларида давлат аккредитациясининг мавжудлиги. Олий таълим муассасаси бренди. Касбий реализация бўйича олий таълим муассасалари битирув-чилари тажрибаси | Пуллик таълим хизматлари кўрсатишда шарҳномалар доирасида касбий компетенция мазмуни ва даражасига талабларнинг расмийлаштирилиши ва буюртмаларнинг шаклланиши. |
| Талабалар | Олий таълимга эга малакали кадрларга хўжалик субъектлари эҳтиёжларини қондириш. Касбий қайта тайёрланган кадрларга хўжалик субъектлари эҳтиёжларини қондириш. Таълим дастурларининг инновацион тавсифи. Тайёрлашнинг талаб этилган йўналиши бўйича таълим олиш. Таълим дастурларининг инновацион тавсифи. Юқори рейтингга эга олий таълим муассасасидан диплом олиш. Олинган малака доирасида касбий реализация қилиш. | Меҳнат бозорида кадрлар тақчиллигининг мавжуд эмаслиги. Қўшимча касбий таълим ва қайта тайёрлаш дастурларининг очиқлиги. Тайёрлашнинг танланган йўналишига жамият эҳтиёжларининг мавжудлиги. Таълим муассасасини тажрибаси ва унга берилган тақриз. Касбни реализация қилиш бўйича олий таълим муассасаси битирувчиларининг тажрибаси. | Давлат ихро ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ўзаро муносабати. Олий таълим муассасалари билан ўзаро муносабат. Таълим жараёнида олий таълим муассасалари билан ўзаро муносабат. |
| Олий таълим муассасаси | Миллий ва халқаро бозорларда ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаш | Худудда таълим хизматлари бозорининг улуши. Миллий ва халқаро рейтингда олий таълим муассасасининг ўрни. | Самарали кадрлар сиёсати. Самарали маркетинг сиёсати. Самарали инвестицион сиёсат. Таълим дастурларининг инновацион тавсифи. |
| Жамоат институтлари | Олий таълим тизимининг инновацион ривожланиши. Олий таълим тизимининг жамият эҳтиёжларига мувофиқлиги. | Докторантура, таянч докторантура фаолияти, таълим дастурлари реализациясининг тавсифи. | Олий таълим тизими ҳолати мониторингини унинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлиги таҳлили. |

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

моддий-техник, илмий ва ишлаб чиқариш базасига эга юқори даражадаги мақом билан ОТМлари ҳам миллий, ҳам ҳудудий даражада бозорларнинг катта улуши учун курашадилар. Шу билан бирга, муваффақиятнинг асосий ОТМнинг обрўси ва бренд эга бўлишидир. Уларнинг имижини яратишнинг ажралмас элементи бўлган миллий ва халқаро рейтинг таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини шаклланиши ва оширишнинг воситаси ҳисобланади. Бунда ўрнатилган мезонлар ва кўрсаткичлар асосида ОТМнинг миллий ва халқаро рейтингдаги ўрни аниқланади.

2. ОТМни танлашда уй хўжаликлари учун асосий мезон таълимга инвестициядан кутилаётган даромад ҳисобланади. Бозорда барқарор ўрни, самарали маркетинг стратегияси, таълим дастурларининг инновацион тавсифга эгалиги уй хўжалиklarини шу билан ишонтирадики, аниқ ОТМ бошқасидан кўра кўпроқ имкониятларни тақдим қилади ва рақобатбардошлигини шакллантиради.

3. Тадбиркорлик тузилмаларининг асосий мақсади – уларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда муайян мутахассислик бўйича тайёрланиш даражасини замонавий технологик талабларга мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Бизнес ва таълимнинг ўзаро муносабати даражаси рақобатбардошликни шакллантириш воситаси ҳисобланади. Иқтисодий муносабатлар субъектлари ОТМлар ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатилиши таълим дастурларини мослаштириш, ихтисосликларни шакллантириш, миллий иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалий тайёргарлик кўриш ва ихтисослашувни амалга ошириш имконини беради.


4. Талабалар таълим дастурларининг инновацион даражаси, академик мобиллик, олинган билимларни долзарблиги ва қўлланилишига қўйиладиган талабларни тақдим эта туриб, ОТМни доимий равишда инновацияларни жорий этиш ва такомиллаштиришни рағбатлантиради. Бунда рақобатбардошлик шаклланишининг муҳим манбаи бўлиб, мутахассис тайёрлашнинг танланган йўналиши доирасида университет битирувчиларини касбий реализация қилиш имконияти ҳисобланади.

5. Таълим хизматлари бозорида ОТМ рақобатбардошлиги шаклланишининг муҳим жиҳати бўлиб, уларнинг ўзига хос ўрни ҳисобланади. Маркетинг стратегиясини реализация қилиш асосида улар бозорнинг катта улушини эгаллаш учун зарур чораларни кўради ва инвестиция манбалари ҳамда инсон ресурсларини жалб қилади. Университетлар нафақат мақсадли давлат бюджети маблағларини тақсимлашда иштирок этади, балки очиқ бозорда абитуриентлар учун рақобат курашида иштирок этади ва бунда асосий омил бўлиб, университет мавқеининг жамоатчилик олдида ва касбий тан олиниши, миллий ва халқаро рейтинг тизимлари унинг ҳолати ҳисобланади.

6. Норасмий тартиблар доирасидаги ижтимоий институтлари стандарт параметрлардан таълим тизимини турлича четланишига оператив таъсир кўрсатишнинг аҳамиятли даражасида имкониятга эга бўлади. Таълим муносабатларининг бевосита иштирокчиларига мурожаат қилиш орқали улар зарурий ҳаракатларни рағбатлантирадилар. Биринчи навбатда таълим муассасаси имижининг таянч элементи сифатида обрўйига путур етказмаслик мақсадида давлат ОТМларнинг юқори даражада рақобатбардошлигини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш манбаи бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилишнинг назорат кўрсаткичларини шакллантиришда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжлари ҳамда таълим хизматларига бўлган бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда давлат кўрсатилган таълим дастурларини амалга ошириш даражасидан бошлаб, давлат университетларига устунлик беради.

Амалга оширилаётган кенг қўламли таълим дастурлари ва таълим муассасаларининг қўлами марказлаштирилган ва самарали бошқариш имконини беради мутахассислар тайёрлашга давлат буюртмасини жойлаштириш ва потенциал меҳнат бозорини яратиш. Мутахассислар нуқтаи назаридан флагман университетлар иккинчи ўринни эгаллаб, тармоқ, идоровий ва минтақавий қабул мақсадларини қолдиқ асосида олади ёки ололмайдими умуман олганда, кўпинча амалга ошириш сифати ва таълим дастурлари сонининг етарли эмаслиги, шунингдек, таълим

1-расм. Таълим хизматлари бозорида олий таълим тизими иштирокчиларининг ўзаро муносабати¹.

хизматлари бозорининг паст улуши билан боғлиқ.

Эксперт баҳолаш бўйича, таълим хизматлари буюртмачилари билан мустақкам ўзаро муносабатлар давлат университетлари, институтлар ва таянч университетларда кузатилган. Бундай натижанинг сабаби буюртмачилар томонидан истеъмолчиларнинг умидлари деб аташ мумкин.

Хусусан, бизнес тузилмалари билан ўзаро муносабатлар янада яққол намоён бўлади. Чунки бизнес ҳамжамияти бунда таълим дастурларини реализация қилишдан энг юқори сифатга эришга умид боғлайди.

Уй хўжаликлари ва талабалар (абитуриентлар)нинг давлат университетлари ва институтлари юқори даражадаги ўзаро муносабати касбий реализацияни амалга ошириш учун кутилаётган катта имкониятлар билан боғлиқ.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, жамият олий таълим тизими профессионал ўзини ўзи англаш воситалари билан бир қаторда шахснинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам ижтимоий, маданий ва коммуникатив ривожланиши учун бир қатор имкониятларни таъминлайдиган муҳим ижтимоий институт сифатида талқин этади.

Хулосалар.

Олиб борилган тадқиқотлар қуйидагиларни кўрсатмоқда:

1. Олий таълим тизимида давлат ва хусусий ОТМларнинг ривожланиб бориши таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни шакллантиришнинг бир қатор хусусиятларини шакллантириш имконини беради.

2. Тақдим қилинаётган хизматлар хусусиятлари ҳам объектив иқтисодий сабаблар, ҳам олий таълим соҳасининг юқори ижтимоий

аҳамияти бўйича уларнинг сифатига боғлиқ ҳолда рақобатбардошликни шакллантиришни назарда тутди.

3. Таълим хизматларининг буюртмачилари мувофиқ инструментлар воситасида турли хил ўзаро муносабатлар кўринишида аниқ мутахассисларни тайёрлаш сифати, ҳажми ва таркиби бўйича ОТМга талабларни қўяди ҳамда уларнинг ҳатти-ҳаракатларини белгилайди ва рақобат стратегиясини танлашни шартлайди.

4. Таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигининг шаклланишининг рақобатбардошлигини баҳолаш учун муайян услубий ёндашувларни жорий этишда ўз ифодасини топади ва бунда ушбу соҳа ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шевченко Ю.А. Маркетинговые стратегии ценообразования в вузе // Практический маркетинг. 2002. № 10 (68). С. 25-32;
2. Баженова В.С. Непрерывное образование в условиях трансформации экономической системы. – М.: Изд. Рос. экон. акад, 2000-216 с.
3. Лукашенко М.А. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: актуальные проблемы управления. – М.: Изд. Маркет ДС, 2003. -358 с.;
4. Захарова Л.В. Формирование и развитие образовательных услуг: автореф. дисс. канд. экон. наук / Белград. 2002-235с.;
5. Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005 й. – 244 б.;
6. Сонь Т.А. Формирование рынка образовательных услуг / www.marketing/spb.ru
7. Повышение конкурентоспособности регионального вуза в условиях экономики знаний: монография /Под ред. Веселовского М.Я., Измайловой М.А./ – М.: Издательство «Научный консультант». 2015 – 200 с.
8. Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. - <https://lex.uz/docs/5013007>